

ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРЛАРИНИНГ МАХАЛЛА ФУҚАРОЛАР ЙИГИНЛАРИДАГИ ҲИСОБОТ БЕРИШ ҲАМДА ФАОЛИЯТИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ ТАҲЛИЛИ

*Майор Атажанов Ўткир Маматсалаевич,
Жамоат хавфсизлиги университетининг
Магистратура тингловчиси
тел: +99833-005-83-79*

Аннотация: Ушбу мақолада Ички ишлар органлари жамоат хавфсизлиги хизмати профилактика инспекторларининг ўз хизмат ҳудуди ҳисобланган маҳаллада яшовчи аҳоли олдида ойлик ҳисобот фаолиятининг тушунчаси, мазкур фаолиятни тартибга солувчи нормалар, шунингдек ҳозирги кунда ички ишлар органлари профилактика инспекторлари фаолиятини такомиллаштириш масалалари кўриб чиқилган.

Калит сўзлар: Жамоат хавфсизлиги концепцияси, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, Ички ишлар органларининг таянч пунктлари, маҳалла ҳуқуқ тартибот маскани.

Ҳар қандай давлатда ички ишлар органлари тизими авваламбор ҳуқуқ тартибот, жинойтчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, жамоат хавфсизлигини таъминлаш билан шуғулланиб, ушбу фаолият мазкур тизимнинг асосий иш фаолияти ҳисобланади.

“Янги Ўзбекистонда “Инсон қадрини учун” деган эзгу тамойил асосида олиб бораётган ислохотларимизни ҳаётга муваффақиятли жорий этишда ички ишлар тизими ходимлари давлатимиз ва жамиятимизнинг мустаҳкам таянчи бўлиб хизмат қилмоқда.¹ Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ27-сон (2021 йил 29 ноябрь) фармони мувофиқ, жамоат хавфсизлигини таъминлашдаги илғор хорижий ва миллий тажрибалар асосида ишлаб чиқилган ҳамда аҳолини ҳар қандай таҳдидлардан кафолатли ҳимоя қилишга қаратилган: “Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепцияси” ҳамда “2022 – 2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида жамоат хавфсизлигини таъминлаш тизимини ривожлантириш стратегияси” тасдиқланди. Миллий хавфсизликнинг асосий йўналишларидан бири ҳисобланган жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги давлат сиёсатини белгиловчи муҳим ҳужжат – “Ўзбекистон

¹ Президент Шавкат Мирзиёев касб байрами муносабати билан ички ишлар органлари ходимлари ва фахрийларига табрик йўллади // <https://m.kun.uz/news/2022/10/25/prezidentichki-ishlar-xodimlarini-tabriklab-ulardan-bir-guruhini-mukofotladi>

Республикаси жамоат хавфсизлиги концепцияси²да, жамоат хавфсизлиги билан боғлиқ асосий тушунчалар, жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасини давлат томонидан тартибга солиш, концепцияни амалга ошириш механизмлари ва уни амалга оширишдан кутилаётган натижалар каби масалалар тартибга солинди.²

Жамоат хавфсизлигини таъминлаш давлат мавжудлигининг барқарор, муҳим ва мажбурий элементларидан биридир.³ Ўтган давр мобайнида мамлакатимизда жамоат хавфсизлигини таъминлаш фаолиятининг ўзига хос миллий тизими шаклланди. Мамлакатимизда жамоат хавфсизлигини таъминлаш йўналишидаги ишларни “Халқ манфаатларига хизмат қилиш” тамойили асосида ташкил этишнинг мутлақо янги механизм ва тартиблари жорий этилиб, давлат органларининг жамоатчилик тузилмалари билан ўзаро мақсадли ҳамкорлиги йўлга қўйилди.⁴

Мамлакатимизда барқарорлик, тинчлик ва осойишталикни қарор топтириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларига сўзсиз риоя этилишини таъминлаш, жамоат тартибини сақлаш, шахс, жамият ва давлат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича яхлит тизим яратилган бўлиб, унда ички ишлар органлари муҳим ўрин эгаллайди. Маҳалла ва қишлоқларда жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш фаолиятини бевосита амалга оширадиган, шунингдек, фуқароларнинг хавфсизлиги ва осойишталигини таъминлаш борасида ички ишлар органлари, бошқа ҳуқуқ-тартибот органлари ва жамоат тузилмаларининг маҳаллалар кесимида биргаликда ишлашнинг ташкил этадиган ички ишлар органларининг энг қуйи бўғини сифатида Маҳалла ҳуқуқ-тартибот маскани ташкил этилди. Маҳаллаларнинг “қизил”, “сарик”, “яшил” тоифаларга ажратилиши аҳоли муаммоларини “маҳаллабай”, “оилабай” ва “фуқаробай” ишлаш орқали ҳал этиш ҳамда энг оғир ва низоли вазиятларни ҳуқуқбузарликка айланмасидан маҳаллаларнинг ўзидаёқ аниқлаш ва бартараф этиш имконини бермоқда. Маҳаллабай ишлаш тизими “манзилли ва таъсирчан профилактикани қайси ҳудуддан бошлаш керак”лиги масаласига ойдинлик киритишда ўз самарасини бермоқда. Маҳаллаларда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишдаги ишларни ҳамкорликда амалга ошириш учун маҳалла фуқаролар йиғини раиси, ҳоким ёрдамчиси, ёшлар етакчиси, хотин-қизлар фаоли ҳамда профилактика инспекторидан иборат “Маҳалла бешлиги” таркиби шакллантирилди. Ушбу бешликнинг “темир”, “аёллар”, “ёшлар” ва “меҳр” дафтарларига киритилган маҳалладаги эҳтиёжманд,

² И.Исмаилов. Жамоат хавфсизлигини таъминлашни такомиллаштириш истиқболлари. Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепцияси: натижа ва истиқболлари республика илмий-амалий конференция материаллари тўплами (2022 йил 4 ноябрь) Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2022 й. 7-6

³ Бояр В.М., Шамрай В.Н. Теоретико-правовое обеспечение общественного порядка и общественной безопасности в современных условиях // Бизнес в законе. – 2012. – №3. – С. 161.

⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 29 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПФ-27-сон фармони // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 01.12.2021 й., 06/21/27/1116-сон.

кам таъминланган оилалар, ижтимоий кўмакка муҳтож хотин-қизлар ва ёшлар билан индивидуал ишларни ташкил этиш сингари фаолияти муҳим аҳамият касб этмоқда.⁵

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 апрелдаги ПҚ-2896-сонли “Ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорида фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ҳар ойда профилактика инспекторларининг ҳисоботларини эшитиши, профилактика инспекторларининг ҳисоботларини эшитиш яқунларига кўра улар зиммасига юклатилган вазифаларнинг бажарилиши юзасидан кўрилаётган чоралар ва иш натижалари танқидий муҳокама қилинади, улар фаолиятининг самарадорлигига алоҳида баҳо берилади ҳамда эгаллаб турган лавозимига лойиқ ёки нолойиқлиги ҳақида тавсиялар қабул қилиниши профилактика инспекторлари ҳар ойда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва ҳуқуқбузарликларни олдини олиш ҳолати тўғрисида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ҳисобот тақдим этишлари белгилаб қўйилди.⁶

Шунингдек, ички ишлар органлари профилактика инспекторларининг фуқароларга ҳар ойда ҳисобдорлиги, уларнинг шахсий жавобгарлик ҳиссини ошириш, шунингдек соҳага “четдан назар ташлаш” ҳамда куч ва воситаларни тўғри йўналтириш учун хизмат қилади. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар Вазири П.Р. Бобожоновнинг қуйидаги “Келгусида ҳам жиноятчиликни жиловлаш орқали халқимизни рози қилиш борасида масъулият ва шахсий жавобгарликни ҳис қилган ҳолда фаолиятимизни такомиллаштириб бориб, ходимларнинг ишга муносабатини тубдан ўзгартиришга ва ўз касбига виждонан ёндашиб, садоқат билан хизмат қилишига алоҳида эътибор қаратамиз”⁷ деган сўзлари ички ишлар органлари тизимининг энг қуйи бўғини бўлган профилактика инспекторлари учун кундалик иш фаолияти мезонига айланиши керак.

Ўзбекистон Республикасининг 16.09.2016 йилдаги “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги Қонунининг 15-моддасида Профилактика инспекторлари фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига белгиланган тартибда ҳисоботлар тақдим этиши белгилаб қўйилган.

⁵ Алиев Шухрат Хасанович, Ўзбекистонда жамоат ҳавфсизлигини таъминлаш: ислоҳот ва натижа. Ўзбекистон Республикаси жамоат ҳавфсизлиги концепцияси: натижа ва истикболлари республика илмий-амалий конференция материаллари тўплами (2022 йил 4 ноябрь) Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2022 й. 23-б

⁶ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 апрелдаги ПҚ-2896-сонли “Ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори

⁷ <https://yuz.uz/news/asosiy-maqсад--yaхlit-tizimni-yaratish-va-zamonaviy-ish-uslublarinijoriy-etish>—“Янги Ўзбекистон” газетасида Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири, генерал-лейтенант Пўлат Бобожонов билан эълон қилинган “Асосий мақсад – яхлит тизимни яратиш ва замонавий иш услубларини жорий этиш” номли суҳбат / 26 август 2022 йил.

Шу сабабли ҳам профилактика инспекторининг ҳисоботини режа учун эмас, аввало, ўзи хизмат қилаётган маҳалладаги жамоат тартибини, фуқароларнинг тинчлигини сақлаш учун ишлаши ва хизмат қилишини такомиллаштириш йўлидаги фаолият сифатида баҳолаш лозим. Профилактика инспекторлари қуйидаги асосий йўналишлар бўйича ҳисобот беради:

ҳуқуқбузарликлар профилактикасини, айниқса вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида ташкил этиш, шунингдек одам савдоси билан боғлиқ жиноятлар ва ҳуқуқбузарликлар, уларнинг содир этилиши сабабларини, уларга имкон берувчи шарт-шароитларни аниқлаш, ўрганиш ва бартараф этиш; вояга етмаганлар ва ёшлар билан уларни Ватанга муҳаббат, ватанпарварлик, миллий ва умуминсоний кадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялашга, ёш авлодни терроризм, диний экстремизм, зўравонлик ва шафқатсизлик ғояларидан ҳимоялашга йўналтирилган ишларни бевосита амалга ошириш;

ҳуқуқбузарликлар профилактикаси (одам савдоси билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар ва жиноятлар), фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш масалалари бўйича ички ишлар органларининг бошқа бўлинмалари, давлат органлари, ташкилотлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ўзаро ҳамкорликни амалга ошириш;

ҳуқуқбузарликларни (одам савдоси жинояти ва ҳуқуқбузарлигини) аниқлаш ва уларга чек қўйиш, ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабаблари ва уларга имкон берувчи шартшароитларни бартараф этиш бўйича махсус профилактик чора-тадбирларни, шунингдек, ҳуқуқбузарликларни (одам савдосини) содир этишга мойил шахслар билан профилактика ишларини амалга ошириш; ўқувчиларининг таълим муассасаларидаги давоматини назорат қилиш, ижтимоий хавfli ҳолатда бўлган ва таълим муассасаларига қатнамайдиган вояга етмаганлар ва ёшлар, шунингдек, ушбу тоифадаги шахсларнинг ота-оналари билан профилактика ишларини олиб бориш.

Профилактика инспекторлари ҳисобот бериш жараёнида қонун ҳужжатларига мувофиқ қўриқланадиган давлат ва хизмат сирларини ҳимоя қилиши ҳамда инсонларнинг шахсий ва оилавий сирларининг дахлсизлигини таъминлаши лозим.

Хулоса ўрнида шунни айтиш жоизки, ички ишлар органлари профилактика инспекторлари маҳалла аҳолисига ҳисоботи уларни маҳалла билан ҳамкорлигининг ажралмас ва муҳим бўлаги бўлиб, фаолиятни талаб даражасида ташкил этиш ҳамда бу орқали фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишни самарали ташкил этиш имконини беради. Маҳалла ҳудудидаги мавжуд муаммо ва камчиликларни доимий равишда ўрганиб бориш ҳамда уларни бартараф этиш

чораларини кўриш йўлидаги ушбу ҳамкорлик ва ҳисобдорлик профилактика инспекторининг фаолиятини самарали ташкил этиш ҳамда такомиллаштиришга хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Президент Шавкат Мирзиёев касб байрами муносабати билан ички ишлар органлари ходимлари ва фахрийларига табрик йўллади // <https://m.kun.uz/news/2022/10/25/prezidentichki-ishlar-xodimlarini-tabriklab-ulardan-bir-guruhini-mukofotladi>

2. И.Исмаилов. Жамоат хавфсизлигини таъминлашни такомиллаштириш истиқболлари. Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепцияси: натижа ва истиқболлари республика илмий-амалий конференция материаллари тўплами (2022 йил 4 ноябрь) Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2022 й. 7-б

3. Боев В.М., Шамрай В.Н. Теоретико-правовое обеспечение общественного порядка и общественной безопасности в современных условиях // Бизнес в законе. – 2012. – №3. – С. 161.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 29 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПФ-27-сон фармони // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 01.12.2021 й., 06/21/27/1116-сон.

5. Алиев Шухрат Хасанович, Ўзбекистонда жамоат хавфсизлигини таъминлаш: ислоҳот ва натижа. Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепцияси: натижа ва истиқболлари республика илмий-амалий конференция материаллари тўплами (2022 йил 4 ноябрь) Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2022 й. 23-б

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 апрелдаги ПҚ-2896-сонли “Ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори

7. <https://yuz.uz/news/asosiy-maqсад--yaxlit-tizimni-yaratish-va-zamonaviy-ish-uslublarinijoriy-etish>–“Янги Ўзбекистон” газетасида Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири, генерал-лейтенант Пўлат Бобожонов билан эълон қилинган “Асосий мақсад – яхлит тизимни яратиш ва замонавий иш услубларини жорий этиш” номли суҳбат / 26 август 2022 йил.